

# Qishloq hayoti

2016 йил

Соғлом она ва бола йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2016-ЙИЛ 19-ЯНВАР, СЕШАНБА, 8 (8559)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Баҳоси келишган нархда.

Сурхондарё Вилояти



**Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Сурхондарё вилоятида фойдаланилмай бўш турган, қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини тадбиркорлик йўналишида самарали ишлатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## ИМКОНИЯТ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

– Биз 1 миллиард 150 миллион сўмлик инвестиция киритиш шарти билан бўш турган бинони "нол" қийматда олиб, иш бошладик, – дейди Термиз шаҳридаги "Камазул Сайдил" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Собир Маматраимов. – Дастлаб, пойафзал ишлаб чиқариш билан иш бошланган бўлса, ҳозир 50 дан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Шунингдек, мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни

ўзлаштирдик, тикувчилик цехи ва автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятини ҳам йўлга қўйдик. 60 ишчи-ҳодимнинг аксарияти коллежларни битирган ёшлардир.

**СУРАТДА:** корхона ишчиси Азиз Зуллинов, иш бошқарувчи Юсуф Дониёров, ишчилар Фарангиз Авазова ва Гузал Авазова. Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз билан 2015 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифим чоғида учрашганим менга улкан мамнуният бағишлади. Шахсан Сизга ва Ўзбекистон ҳукумати вакилларига самимий қабул ҳамда самарали мулоқотлар учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизнинг хусусий секторни Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айлантириш бора-бора стратегик концепциянгизни юксак баҳолайман ва қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон кейинги ўн йиллар давомида эришган улкан ютуқлар ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиши ва янада ривожлантириши учун тараққиётнинг янги усулларини топиши зарур деган фикрга тўла қўшиламан. Давлат секторини бошқариш самарадорлиги ва очиклиги халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилаётган Ўзбекистонда замонавий технологиялар билан жиҳозланган, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган хусусий сектор бундай ўсишни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Сизни ишонтириб айтаманки, Жаҳон банки гуруҳи Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва ўзаро шериклигимизнинг навбатдаги концепцияси доирасида мамлакатингиз иқтисодий тараққиёти янада юксалиши йўлида ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

Самимий эҳтиром билан,

**Сирил МЮЛЛЕР,**  
Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти



Наманган Вилояти

## МАРҒИЗОРДА ЗАМОНАВИЙ МАЖМУА

Норин тумани Марғизор қишлоғи марказида тадбиркор Қобилжон Мамажоновнинг сай-ҳаракати билан замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилди.

Бу ерда савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматнинг бир неча йўналишлари фаолият кўрсатмоқда. – Келгусида мажмуада новвойна ҳамда сартарошхона ишга туширилиши ҳам кўзда тутилган. – дейди "Яши ният" хусусий корхонаси раҳбари Қобилжон Мамажонов. – Натижда марказорлик ёшларнинг яна 30 нафари иш билан таъминланади.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ

Қашқадарё Вилояти

## ТАДБИРКОРДАН ЭЛ МИННАТДОР

Қамаши туманида тадбиркор Ўктам Тоғаев ташаббуси билан сунъий қопламали футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.

Спорт мажмуасида аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, савдо шохобчаси ҳам ишлаб турибди. Майдонча ёнида усти очик сузиш ҳавзаси, тренажёр зали, волейбол майдончаси қурилиши ҳам режалаштирилган.

Тадбиркор янги йилда аҳолининг мазмунли ҳордик чиқариши учун қўшимча қулайликлар яратишни кўзламоқда.

Хусан ТЕМИРОВ

Самарқанд Вилояти

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан қўллаб-қувватланган миллий вақитлар вақитлари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келишмоқда. Халқимизнинг кўп миллиятлилик, кўп динлилик шароитида ўзаро ҳурмат ва тотувлик билан умр кечириши юртимиздаги барқарорликнинг ўзига хос кўринишидир. Самарқандда "Миллий ва диний ҳамжиҳатлик – тинчлик ва тараққиёт омили" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Вилоятда 100 дан ортиқ миллий ва элат вақитлари 10 дан зиёд дин ва маъзабларга эътиқод қилиб келмоқда. Шу боис, маданий-маърифий кеча аҳоли ўртасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Дастлаб, тадбирда "Ўзбекистон – кўп миллиятли аҳил оила" номли хужжатли фильм намойиш қилинди.

Тадбирда иштирок этган миллий-маданий марказ фаоллари, дўстлик жамиятлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вақитлиги ҳамда ноисломий диний ташкилот раҳбарлари юртимиздаги миллиятлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тинч ва осойишта ҳаётимизнинг бош омили эканлигини таъкидлашди.

Анжуманда қайд этилганидек, дунёнинг айрим мамлакатларида содир этилаётган турли қуролли тўқнашувлар, оммавий қотиллик ва киргинбарот можаролар, кўпуровчилик ҳаракатлари асосан фуқаролар орасида миллий, диний қарама-қаршиликлар, этник келишмовчиликлар орқали амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

МУНОСАБАТ

## ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ИФОДАСИ

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда

Биласизми, ўтаётган ҳар бир йил, унинг сарҳисоби бизни янги-янги марралардан воқиф этади. Уларда тараққиёт ва фаровонлик ифодаси намоян бўлиб, юксалиш мезонлари акс этади.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси билан танишган ҳар бир киши буни янада яққолроқ англайди.

Юртбошимизнинг маърузасида келтирилган факт ва рақамлар ҳар биримизнинг кўнгилмизидан тоғдек юксалтирди. Чунки уларда шиддатли тараққиёт, эл фаровонлиги равшан кўриниб турибди.

Маърузадаги рақамлар бир нуктада англашлари – юртимизда инсон қадрли барча нарсадан улғуланади, инсон манфаатлари бош тамойил ҳисобланади.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига

чуқурроқ назар ташласак, айни шу мuddао кўзланганини кўраимиз. Тарихимизда қисқа даврда эришган ютуқларимизни тасаввур этсак, "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдиқ", деган саволни ўзимизга берсак, кечгаги турмушимиз билан бугунги ҳаётимизни муқояса қилсак, буни янада ёрқинроқ англаймиз.

**БАХТИЁР ОДАМЛАР ЮРТИ**

Ўтган йилда Ўзбекистон дунёнинг энг бахтли мамлакатлари рейтингиде 158 та давлат орасида 44-ўрин,

энг тез ривожланаётган мамлакатлар орасида 5-ўринни эгаллади. Албатта, бахтни ҳамма ўз мезони билан ўлчайди. Аммо бир мезон борки, у барчасидан устундир. Бу – тинчлик ва ҳаловат!

Кўпни кўрган пиру бадавлатларимиз ҳар доим дуога қўл очганда, энг аввало, юртга тинчлик ва омонлик сурайди. Бу бежиз эмас, албатта. Тинчлик – фаровон ҳаётнинг бош мезони.

Бугун биз эришаётган ютуқларнинг энг асосий омили ҳам мамлакатимиздаги тинчликдандир. Ана шу тинчлик ва осойишталик боис, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Кейинги ўн бир йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёд бўлиб

келмоқда. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" нақадар тўғри ва мукамал йўли эканлигини бугун ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг маърузасида қайд этилганидек, **2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажминини камида 2 баробар ошириш вазифаси қўйилмоқда.** Бу аҳолининг турмуши янада юксалиши, тараққиёт шиддатининг янада тезлашишини кўрсатади.

Айни шу рақамлар ҳам одамларнинг қалбида келажакка ишонч туйғусини мустаҳкамлаб, уларни янада шижоат билан юрт равнақи йўлида меҳнат қилишга ундагани, пироларидан реал даромадларни ҳиссини уйғотгани ҳам бор гап. Ахир эртасига ишонган одам энг бахтиёр инсондир.

(Давоми 2-саҳифада)

## "КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ" ФОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

"Истиқлол" санъат саройида "Камалак юлдузлари – 2015" республика болалар ижодиёти фестивали фойлибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ва улар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида таъкидланган маъруза тадбирга фестивалнинг якуний босқичида муваффақиятли иштирок этган ўғил-қизлар, ўқитувчи ва мурабийлар, ота-оналар, кенг жамо-

атчилик вақитлари тақдир этилди. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ҳар жиҳатдан барқарор авлодни тарбиялаш, миллатимизни янада соғломлаштириш, ўғил-қизларни ҳеч қандам кам бўлмаган, қалби ғурур ва ифтихорга тўла инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлатимиз



сиёсатининг устувор йўналишиларидан бирига айланган. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон

Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори истеъ-

додли ўғил-қизларни аниқлаш, уларнинг қобилият ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга доир чора-тадбирларни тизимли йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган турли ижодий лойиҳалар, санъат байрамлари, фестиваллар иқтидорли болалар сафининг тобора ортиши, уларнинг ўзига бўлган ишончи мустаҳкамлаши, болалар ижодиётига доир ишларни замон руҳи билан ҳаммадан йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Еш авлодининг эзгу интилишлари, орзу-истакларини ўзида акс эттирган ёрқин лойиҳалардан бири "Камалак юлдузлари" фестивалидир. Маъруза фестивал мусиқа ва санъат, бадиий таълим, мактабдан ташқари таълимни янада ривожлантириш, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг беғубор орзуларига қанот бағишлашда

алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фестивалнинг барча босқичида 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 60 минг 400 нафардан ортиқ иқтидорли ўғил-қиз ўз маҳоратини намойиш этиди. Улардан 111 нафари фойлибларни қўлга киритди. Саралаш босқичларида ўқувчиларнинг мумтоз ва миллий мусиқа чолғулари ижрочилиги, анъанавий ва академик хонандлик, хореография, тасвир ва амалий санъат, насл ва назм йўналишидаги истеъдод ва маҳорати таъкидланган санъаткор ва мутахассислар томонидан баҳоланди.

Лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги кўرғазма залларида болалар расмлари кўرғазмаси, моҳир расом ва ҳайкалтарошлар, уста хунармандлар, мусиқашунослар, режиссёрлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)





# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИАТЛАРИ

**XALQ BANKI**

**Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларида бағишланган мажлисидаги матрузасида таъкидлаганидек, ўтган 2015 йил бизнинг бош мақсадимиз бўлмиш асосий вазифа – одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш бўйича аввало муҳим ислохотларни амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди.**



Клиентлар билан ўзаро алоқада бўлишнинг янги усули кўрсатилган. «Халқ банк» филиали раҳбари (оғир) билан муваффақиятларга эришмоқда.

Бунга нуфузли Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига мувофиқ Ўзбекистоннинг 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёда энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олган мисолида ҳам кўриш мумкин.

Этироф эътиш ишларки, юртимиздаги бу юксалишнинг, тарққиётни таъминлашда иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаси – банк тизимининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Хусусан, бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ўрни муҳим бўлиб бормоқда. Zero, ҳар қандай ишбилармонлик лойиҳаси юзга чиқариши ва ривожланиши бевосита сармоя билан боғлиқ.

Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан ҳам 2015 йил

## КАДРИЯТ

Алла! Уни илк бор дунёда қайси бир она айтган? Унинг сўзларини қайси бир шоир ёзгану қайси бастакор оҳанг тоған? Гўдак туғилган хонадон борки, унда алла янграйди. Шунда бола ҳам, она ҳам, табиатнинг ўзи ҳам ширин, осойишта орзулар сукунатида сингади. Аллани нафақат ёш бола, балки катта ёшдаги одам эшитса ҳам беихтиёр хаёлга чўмади. Шунда унинг хотирасида ажиб таасуротлар, туйғулар жамланади. Ширин дамлар – болалиги эсига тушади.

## Ўбтидо қўшимчи



Алла биз ҳаёлимизга келтирмаган бошқа бир мўъжиза, муқаддас қудрат, сеҳр ҳам бор. Алла – она меҳрининг таржимасиз ифодаси. Дунёнинг икки бурчагидаги икки одам бир-бирининг тилини тушунаслиги мумкин, ammo она алласи қаерда янграшидан қатъи назар, барча болалар учун тушунарлидир. Мураккаб гўдак ҳали дунёни англамай туриб, алла оҳангларини англайди, шундан руҳи ҳаловат топади, жони ором олади...

Бугун фар лангуо граммнинг ҳақида баҳс юритяпти. Қарангки, она алласи гўдақнинг бутун ҳаётини «дастураштиради» экан. Гўдакка аталган шу қўшиқдаги эзгу тилаклар эса рўббага чиқар экан.

Алла – қадрият. Номоддий маданий мероснинг ноҳодир намунаси. Ер юзидаги барча халқлар, барча маданиятларда мавжуд удуи. Она-бола орасидаги руҳий яқинлиқнинг омили у. Алланнинг яна бир муҳим жиҳати ҳам бор: у гўдакни ўз миллати, ўз маданияти, ўз оҳангига созлайди. Алла орқали бола она тилини идрок этади.

Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳуз оҳанглари инсон организмда агрессия ва жиҳазкиликни келтириб чиқарадиган гормонлар миқдорини пасайтириб, иммон ҳужайралари ишини фаоллаштирад экан. Ўзинанинг меҳр тўла овози бола учун ҳар қандай эмлаш ва витаминлардан фойдаланиб турган экан.

Демак, дунёдаги энг қадимий қўшиқни эшитиб, оромга кетган бола келажакда эзгуликка қодир фарзанд бўлиб улғайди.

Зарногор АХМЕДОВА, УЗМУ талабаси.

да қатор мақсадли ишлар амалда оширилди. Хусусан, 12109 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига 1 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 135 фоизга ўсди.

Банк сармоялари иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмининг орттиришига, пировардида, ички бозорни таъминлаш, экспорт ва импорт ҳажмининг ўсишига олиб келмоқда. Жумладан, 7581 нафар тадбиркорга ажратилган микрокредитлар ҳажми 306 миллиард сўмини ташкил қилди. Бу 2014 йилга нисбатан 1,4 бараварга ўсиш демакдир.

– Хар қандай тадбиркорликнинг ривожланишида, аввало, қулай ишбилармонлик муҳити ва яратилган шарт-шароитлар асосий ўринда туради, – дейди тадбиркор Раҳман Аҳмедов. – Ўз бизнесини юритмоқчи бўлган ҳар қандай кишига ишонч ва моддий кўмак берилмаётган экан, бу барчамизнинг зиммамизга фақат меҳнат қилиш ва ишонччи оқлаш масъулиятини юклайди. Мен ўтган йили Халқ банкидан иссиқхона биносини таъмирлаш мақсадида 200 миллион сўм миқдорда кредит олдим. Ҳозир ишларимиз жадаллик билан ривожланиб бормоқда. 6 нафар кишини иш билан таъминладик. Келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтириш ниятимиз бор.

Халқ банки томонидан 4 160 нафар ишбилармон аёлга 125,6 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Банк томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёшларни тадбиркорликка жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг нати-

яҳси. Ютуқларимга ҳавас қилган ўлаб дугоналаримнинг кўнгида ҳам ўз лойиҳаларини амалга ошириш истаги уйғонмоқда. Келгусида фаолиятимни янги гоғлар билан бойитиб, кўпроқ тенгдошларимни ишга жалб қилишнинг ният қилганман.

Банк томонидан ўтган йилда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсади учун 2 642 та лойиҳага 50 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

– Мен шу кунгача Халқ банкидан тўққиз мартаба кредит олдим ва ҳар доим қарзларимни ўз вақтида қайтариб, яхши натижаларга эришдим, – дейди Хоразм вилоятидаги «Кордон Хумо» хусу-

### Банк ахборот хизмати

Хизматлар лицензияланган.

### ○ Реклама ва эълонлар

#### БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МОЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМГАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ КЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Лот-9-1:** “Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги Бобур номи СИУ ҳудудига коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 2 773 364 560 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 17 ой.
- Лот-9-2:** “Қашқадарё вилояти Косон туманидаги “Бобурдарё”, “Фаровон”, “Гувалак” ва “Миришкор-К” СИУлар ҳудудига коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 2 681 165 090 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 18 ой.
- Лот-9-3:** “Фарғона вилояти Бувайда туманидаги “П-3” ҳўжаликлалараро коллекторлини реконструкция қилиш”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 520 445 665 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 5 ой.
- Лот-9-4:** “Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги Й.Охунбоев, С.Синдоров ва С.Раҳимов номи СИУлар ҳудудига коллекторлини реконструкция қилиш ва қуриш”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 532 181 640 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 8 ой.
- Лот-9-5:** “Жиззах вилояти Пахтакор тумани “Гулистон” СИУ ҳудудига коллекторларни реконструкция қилиш”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 186 848 381 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 5 ой.
- Лот-10-1:** “Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “5-К-5” коллектори тизимидagi коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш (1-босқич)”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 2 314 790 618,0 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 19 ой.
- Лот-10-2:** “Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “5-К-5” коллектори тизимидagi коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш (2-босқич)”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 831 565 653,0 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 17 ой.
- Лот-10-3:** “Жиззах вилояти Арнасой туманидаги “Олтин Водий”,
- Й.Зоҳидов, Б.Файзиев ва М.Улғабек номи СИУлар ҳудудига коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш”.**
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 201 969 358,0 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 11 ой.
- Лот-10-4:** “Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги “Нурафшон”, “Бўстон”, “Шарк Юлдузи” ва Й.Қурбонов номи СИУлар ҳудудига коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 479 930 616,0 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 6 ой.
- Лот-10-5:** “Сурхондарё вилояти Кизирқий, Жарқўрғон ва Музработ туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш”.
- Бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 753 481 076,0 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 10 ой.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдолариغا Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рўхсат этилади.

Қиймати 500 000 000,0 сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

- Қурилиш ишларини молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.
- Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиклол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.
- Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.
- Талабгор сифатида иштирок эта-**
- ётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.
- Танлов савдоларида иштирок этиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази** қўйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 31-хона. Тел: 241-15-32; факс: 241-15-26.
- Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз элик минг) сўм.
- Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади.
- Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси тарафидан тақдим этишнинг охириг мuddати – офёрталар очилиши кунини ва соатигача.
- Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридagi манзилда ўтказилади.

#### МУАЖЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРТИЛГАН ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Лот – 12:**
- Лот 12-1:** “Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (50 шифо ўринли юқумли касалликлар бўлими қурилиши ва бошқа объектлар)”.  
**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 2 375 000 000 сўм, ҚҚСсиз 1 979 167 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш мuddати:** – 2016 йил 1 ноябрь.
- Лот 12-2:** “Бухоро вилояти Ромитан туманидаги тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (30 шифо ўринли шовшнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими ва 25 шифо ўринли жаррохлик бўлими мукамал таъмирлаш ва бошқалар)”.  
**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 2 660 000 000 сўм, ҚҚСсиз 2 216 688 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш мuddати:** – 2016 йил 1 август.
- Лот 12-3:** “Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 360 ўқувчи ўринли 40-сонли мактабни реконструкция қилиш, 240 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки ва 12x24 м. ўлчамли спортзал қурилиши”.
- Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан 1 403 625 000 сўм, ҚҚСсиз 1 169 688 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш мuddати:** – 2016 йил 1 август.
- Қурилиш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
- Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рўхсат берилади.**
- Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
- Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳоқимлиги ҳузурдаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.
- Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳқўчаси 5-уй. Телефон/факс: (0-365) 223-63-23.

Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2016 йил 1 январдаги 1-сонида чоп этилган эълон матни қўйидагича ўзгарганиги маълум қилинади.

№	Эълонда берилган номланиши	Тўғри номланиши
1.	Лот 3-1. Сурхондарё вилояти Сарюсий тумани “Хуфар” ҚФИдаги 180 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни реконструкция қилиш.	Лот 3-1. Сурхондарё вилояти Сарюсий тумани “Хуфар” ҚФИдаги 180 ўқувчи ўринли 8-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш.
2.	Лот 3-3. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 880 ўқувчи ўринли 54-сонли мактабни мукамал таъмирлаш.	Лот 3-3. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 880 ўқувчи ўринли 54-сонли мактабни реконструкция қилиш.
3.	Лот 5-3. Сурхондарё вилояти Денов тумани “Узгарии” маҳалласидаги 38-сонли мактабни реконструкция қилиш (180 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).	Лот 5-3. Сурхондарё вилояти Денов тумани “Узгарии” маҳалласидаги 38-сонли мактаб филиалини реконструкция қилиш (120 ўқувчи ўринли ўқув биноси қуриш билан).

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўрини босари), Анвар КУЛМУРDOB (Бош муҳаррир ўрини босари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

**Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги** томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Қабулхона – 236-26-50, Котибят – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Манавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99893) 940-00-27; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-56; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

Набатчи муҳаррир: Ш.Йўлдашев  
Мусаҳиҳ: М.БОБОМУҲАММЕДОВА  
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-119, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 22.40  
23339 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси боसмаҳонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5